

Депутат сўрови

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР
ДАХЛСИЗЛИГИ
ХАВФ ОСТИДА...(МИ?)

“Адолат” СДП депутати масъулларга сўров юборди

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий маълумотлари “Darknet” ва бошқа очик ресурсларга сизиб чиққани ҳақидаги хабарлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси диққат марказида турибди.

Мазкур вазиятнинг жиддийлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий, молиявий хавфсизлигига таҳдид солаётганини инобатга олиб, партиямиз депутати М.Валиев уч йўналиш бўйича масъул раҳбарларга депутатлик сўрови юборди.

Депутат ўз сўровида ҳар бир идоранинг ваколат доирасидан келиб чиқиб, аниқ саволларни ўртага ташлади:

Рақамли технологиялар вазири Ш.Шерматовга ҳолат тасдиқланган ёки тасдиқланмаган, шахсий маълумотлар қай даражада ҳимоялангани, вазиятга сабаб бўлган омиллар, ҳукуматнинг аутентификация инфра-тузилмаси (“ОАuth” сервери) ва “my.gov.uz” портали қай даражада ҳимоялангани, келгусида бу каби ҳолатлар такрорланмаслиги учун қандай техник ва ташкилий чоралар кўрилаётгани юзасидан;

Ички ишлар вазири А.Тошпўлатовга ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда қандай текзор кидирув ишлари амалга оширила-

ётгани, киберҳужумни содир этган шахсларни аниқлаш ва шахсий маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар профилактикасини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу йўналишда қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича вазирлик таклифлари юзасидан;

Миллий статистика қўмитаси раиси Б.Ҳамраевга аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш жараёнида тўпланган статистик маълумотлар сақланиши ва ҳимоя қилиниши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун талабларига қай даражада риоя этилаётганига оид саволлар қўйилди.

Биз учун инсон қадрлари ва унинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги олий қадриятдир. “Адолат” СДП фракцияси аъзоси ушбу масалани масъуллардан асосланганлиги тушунтириш беришни сўради.

“Адолат” СДП
Матбуот хизмати

ТЕХНИК ЧЕКЛОВЛАР
АДОЛАТ ТАМОЙИЛИГА
СОЯ СОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Бепул умумий ўрта таълим олиш фарзандларимизнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ ҳеч қандай асос билан истисно қилинмайди. Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясига Сурхондарё вилоятида яшовчи фуқаро Ш.Нормуродовдан келиб тушган мурожаат шу жиҳатдан долзарбдир.


Мурожаат қилган юртдошимизнинг қизи – 2012 йилда туғилган Қалбинур Ишимова 2019 йилдан буён Шеробод туманидаги 70-сонли мактабда узлуксиз таълим олиб келган. Ҳозирда эса 9-синф ўқувчиси.

Яшаш манзили ўзгариши сабабли ўқитиш 42-сонли мактабга қўчириш жараёнида ер.maktab.uz электрон ахборот тизимига киритишнинг имкони бўлмаган. Бунга тизимдаги ёш бўйича техник чеклов сабаб бўлган. Натижада ўқувчини на бошқа мактабга қўчириш, на ўз мактабига қайта тиклаш имкони бўлмаган.

Юзага келган вазият боланинг руҳий ҳолати, инсоний қадр-қиммати ва келгуси режаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мазкур ҳолат юзасидан “Адолат” СДП фракцияси депутати З.Мавлонов Мактабга ва мактаб таълими вазири Э.Каримовга расмий депутатлик сўрови юборди.

Унда Қалбинур Ишимова 9-синфда таълим олишини қонуний таъминлаш, техник чекловларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун норматив ва амалий механизмларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Алишер Навоий
таваллудининг 585 йиллиги

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, суҳари шарифроқ йўқ ондин.

Алишер НАВОИЙ

5

Юзма-юз мулоқот

ЎРГАНИШЛАРДА
АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР
ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Аввал хабар қилганимиздек, ўтган ҳафтада партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари томонидан ҳудудий ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар доирасида ижтимоий соҳа муассасаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалдаги ижроси, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари атрофича таҳлил қилинди. Зеро


жамиятдаги ҳар бир янгиланиш, ҳар бир қабул қилинаётган қарор, аввало, инсон манфаатига хизмат қилиши, фуқаролар ҳаётида ўзгаришлар яратиши лозим. Бундан ташқари, депутатлар аҳолини узоқ вақтдан буён қийнаб келаётган, кундалик турмушда ҳал этилмай қолиб кетаётган муаммоларга ҳам устувор аҳамият қаратиб, муаммолар ечимини бўйича қатор амалий натижаларга эришди.



2

Жомбойлик халқ ноиблари
“Кўкғумбаз”даги
абгор йўллардан
юрди

3

Марказий банк
аралашгач
МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

Газетамизнинг жорий йилдаги 9 январь сониди “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти диққатига” рукни остида “ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, БАНКОМАТ...” сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мақола чоп этилгач, Марказий банк масъуллари таҳририят билан боғланиб, муаммонинг тезкор ечилишига кўмак беришди. Мижознинг “йўқолиб қолган” пули топилди.

Шу ўринда Марказий банкнинг ўз ишига масъулият билан ёндашган масъулларига таҳририят номидан миннатдорлик билдирамыз.

4

ЭРКАК ҚИЁФАСИ
ЎЗГАРЯПТИМИ?

МАСАЛАНИНГ ЭНГ ХАВФЛИ ТОМОНИ ШУНДАКИ, БУНДАЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОД ОНГИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА. ЎСМИР ЙИГИТЛАР ЭНДИ ЭРКАКЛИКНИ ҲАҚИҚИЙ МЕҲНАТ, МАСЪУЛИЯТ, САБР-ТОҚАТ БИЛАН ЎЛЧА-МАСДАН, УНИ ТАШҚИ КЎРИНИШ, ҚОШ ЧИЗИҒИ ЁКИ “ТРЕНД”ГА МОС КЕЛИШ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШГА ЎРГАНМОҚДА.

Шу ўринда ўғил болаларни эркак сифатида тарбиялашда оилавий тарбия муҳимлигини таъкидлаш лозим. Оилавий тарбия асрлар давомида шаклланган, тажриба ва синовлардан ўтган ҳаёт мактабидир. Бу мактаб ўз ўрнида эркак болага, аввало, ўзини эмас, балки эркаклик масъулиятини ўйлашни, қийинчиликлар олдида синмай туришни, қалбида жасорат ва ирода мустақамлигини қадрлашни ўргатган.



6

ЎРГАНИШЛАРДА АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Фракция аъзоси Нодира Рашидова дастлаб Чимбой туманида бўлиб, ҳоким Айбек Тажетдинов билан учрашди. Сўхбат давомида ҳудудий инфратузилмани шакллантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр алмашди. Ўрганиш доирасида Нодира Рашидова “Янги Ўзбекистон” массиви, “Шароф Рашидов” кўчасидаги ободонлаштириш лойиҳалари ҳамда қатор ижтимоий-маиший объектлар фаолиятини бориб кўрди. Лойиҳаларнинг ижроси, сифати ва аҳоли учун яратилаётган қулайликлар юзасидан мутасаддилар билан суҳбатлашди.

Бундан ташқари, ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам алоҳида эътибор марказида бўлди. Хусусан, депутат

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Боланинг камолоти, аввало, мактабгача таълим босқичида шаклланади. Шу боис, давлат сиёсатида мазкур соҳани ривожлантириш, уни замонавий талаблар даражасига кўтариш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда **фракция аъзоси Мақсуд Қурбонбоев** “Боғикалон” маҳалласидаги 2-дават мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан танишди.

Тахлил давомида муассасанинг жорий ҳолати, яратилган шарт-шароитлар, моддий-техник таъминоти ҳамда ечимини қутаётган масалалар атрофида ўрганилди. Маълум бўлишича, 100 ўринга мўлжалланган боғча тўлиқ қувватда ишламоқда. Бироқ атрофдаги маҳаллаларда яшовчи 3 ёшга тулган 80 нафардан ортиқ бола навбатда экани мактабгача таълимга бўлган талаб юқори эканини яққол кўрсатди. Му-



“HD SONS” хорижий корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари, корхона фаолияти ҳамда ишчилар учун яратилган меҳнат шароитлари билан танишди. Корхона ходимлари билан мулоқот ўтказиб, уларнинг фикр ва таклифларини тинглади. Депутатнинг навбатдаги манзиллари Нукус шаҳридаги маҳаллалар бўлди. Жумладан, “Қаттағар” ва “Байтерек” маҳаллалари фаолияти ўрганилди. Маҳалла “еттилик” билан учрашуларда аҳоли билан манзилли ишлаш ҳолати, ижтимоий муаммолар, тизим самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди. Шу билан бирга, Кегейли тумани “Жузимбоғ” ОФЙ ҳудудидаги “Қозоққўли-обод” қишлоғи аҳолиси билан ўтказилган учрашувда ичимлик суви муаммосини ҳал этиш зарурлиги кўзга ташланди. Аҳоли томонидан билдирилган мурожаат юзасидан туман ҳокими билан учрашув ўтказилди. Муаммони ҳал этиш чоралари муҳокама қилиниб, аҳолини яқин муддатларда тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Фракция аъзоси Мавлуда Адхамжоновна назорат-таҳлил тадбирларини Олтинқўлдан бошлади. Жумладан, “Марказ” МФЙда яшовчи фуқаро Хайринисо Ҳамидова пенсия билан боғлиқ муаммосини билдирди. Депутат ушбу масалани назоратга олиб, қисқа муддатда пенсия қайта ҳисоблаб чиқилишини маълум қилди.



Олтинқўлда замонавий қиёфага эга мактаблар ҳақида сўз борганда, 41-мактаб биринчилардан бўлиб тилга олинди. 540 ўринли ушбу мактаб биноси яқинда тўлиқ таъмирланган ҳолда жамоага топширилди. Замонавий иситиш тизими ўрнатилиб, таълим жараёни учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳукуватчилар билан ўтказилган дара суҳбатда Мурожаатнома тарғиботида алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, депутатнинг туман Маданият маркази, “Катта Оқтепа” МФЙ ҳамда маҳалла гузарларида ўтказган учрашувларида ҳам жиддий масалалар ўртага ташланди. Кейинги манзил – Андижон туманидаги 8-мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Насибхон Умарова раҳбарлигидаги максадда айти пайтда 230 нафар болажон тарбияланмоқда. Таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Биргина муаммо тарбияланувчилар учун дори-дармон етишмаслиги. Ҳамшира шаттини соғлиқни сақлаш тизимига ўтказиш таклифи билдирилди. Халқ вакили муаммоларни ўз назоратига олди.

кенгайтириш ва муассаса фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан масъул ташкилотларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов Фарғона тумани ва шахрининг қатор маҳаллаларида бўлиб, аҳоли мурожаатларини ўрганди. Жумладан, “Қияли Қўрғонча”, “Раҳматилло”, “Жўйдам”, “Ўзбекистон” ва “Миндон” маҳаллаларида ички йўлларни таъмирлаш, мактаб биноларини реконструкция қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш каби масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 1979 йилда қурилган 31-умумий ўрта таълим мактабининг таъмирталаб ҳолати депутат назоратига олиниб, мутасадди ташкилотлар иштирокида муаммони ҳал этиш бўйича келишувга эришилди.

Шу билан бирга, ёшлар ва спорт масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фарғона туманидаги 29-мактабда фаолият юритаётган бокс тўғрисида учун қўшимча машғулоти зали масаласи



ташаббусли бюджет доирасида ҳал этилиши мумкинлиги билдирилди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Фракция аъзоси Шўхрат Якубовнинг учрашув ва ўрганишлари Жиззахнинг Мирзачўлидан бошланди. Дастлабки манзил туман марказидаги “Эзгу ният” майдони бўлди. Ҳозирда бу жой кўркам маконлардан бири сифатида шаклланиб бормоқда. Танишув мобайнида бу ердаги ободонлаштириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ишлари ҳамда дам олиш ва жамоатчилик учун мўлжалланган инфратузилма барпо этилгани эътироф этилиб, янги режалар муҳокама қилинди.

Бу эса ҳудудларни комплекс обод қилиш, аҳолининг фаол дам олиши ва ижтимоий ҳаётини бойитишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Депутатнинг кейинги ўрганиши “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида давом этди. Учрашув давомида марказ фаолияти, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган манзилли хизматлар юзасидан масъуллар билан мулоқот уюштирилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, болалар, шунингдек, тазйиқ ва



қамраб олиш имконияти сезиларли даражада кенгайди. Шу билан бирга, ўрганишлар жараёнида муассасада спорт ва musiқа залларининг етишмаслиги ҳам жиддий муаммолардан бири сифатида қайд этилди.

Бу эса болажонларнинг жисмоний соғломлиги ва эстетик тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган машғулотларни тўлақонли ташкил этишда муайян чекловлар келтириб чиқариши турган гап. Депутат аниқланган муаммоларни бартараф этиш, мавжуд имкониятларни

зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар доимий эътибор марказида бўлиши кераклигига урғу берилди.

Шундан сўнг, ишчи гуруҳ ўрганиши саноат ва тадбиркорлик соҳасини қамраб олди. Туманда фаолият юритаётган “FANR-MUMIN TEKSTIL” корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, тикувчилик йўналишидаги фаолият, яратилган иш ўринлари ҳамда ходимлар учун ташкил этилган меҳнат шароитлари кўздан кечирилди. Таъкидланганидек, айти пайтда корхонада 150 нафар хотин-қизлар доимий иш билан банд бўлиб, улар экспорт ва импорт учун мўлжалланган 14 ёшгача бўлган болалар қиймларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Корхона раҳбарияти билан ўтказилган мулоқот давомида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини кучайтиришга доир таклиф ва ташаббуслар бўйича фикр алмашилди.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Фракция аъзоси Елена Компольшик Иштихон туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юзасидан ўрганиш ўтказди. Туман кенгаши депутатлари ва туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди. Мазкур йўналишдаги қарор ва дастурлар ижроси туманни иқти-



содий жиҳатдан ривожланган, замонавий, аҳоли учун қулай, тадбиркорлик учун жозибадор ҳудудга айлантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қишнинг совуқ кунлари, ҳавонинг ноқулайлиги жойлардаги муаммоларни орта суриш учун баҳона эмас. Аксинча, ана шундай шароитда аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг дарду таъшишларини тинглаш ва ечим топиш халқ вакили зиммасидаги масъулиятни кучайтиради. **Сирдарё вилоятидан сайланган Қўйи палата депутаты Нодира Жанибекова** даставвал Ховос туманига борди. “Қайирма” маҳалласи “еттилик” билан ўтказилган очиқ мулоқот давомида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қамроғатлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти атрофида ёритиб берилди.

Мулоқот жараёнида фуқаролар томонидан билдирилган савол ва таклифлар эътибор билан тинланди. Депутатнинг тумандаги ўрганишлари фақат мулоқотлар билан чекланиб қолмади. Мониторинг давомида ижтимоий соҳа объекти, тадбиркорлик субъектлари ва маҳаллалар фаолияти билан яқиндан танишилди. Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ва маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Қувонарли жиҳат шундаки, Ховос туманининг “Қаҳрамон” маҳалласида фаолият юритаётган “Элеса” корхонаси маҳаллабай ишлаш тизимининг ёрқин намунаси сифатида қайд этилди. Айти пайтда ушбу корхонада 200 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Замонавий технологиялар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспорт са-

лоҳиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватлари босқичма-босқич модернизация қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Фракция аъзоси Дилрабо Холбоева Тошкент вилоятида аҳоли муаммоларини ўрганди. Хусусан, Зангиота тумани, “Ўртаовул” маҳалласида сайёр қабул ташкил қилинди. Учрашув доирасида маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда кундалик ҳаётда учраётган муаммолари таҳлил этилди. Фуқаролардан коммунал хизматлар сифати, йўл инфратузилмаси, бандлик, тиббий хизмат, таълим масалаларида ўндан ортиқ мурожаатлар тушди. Аниқланган муаммоларни тегишли мутасаддилар иштирокида ўрганиш ва ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, аиникса, бирламчи бўғиндаги муаммоларни жойида ўрганиш ва уларга амалий ечим топиш мақсадида **фракция аъзоси Елена Борисова** Янгиҳаёт туманида бўлиб, марказий кўп тармоқли поликлиника ҳамда “Бинокор” маҳалласида жойлашган тиббий пункт фаолиятини кўздан кечирди. Депутат маҳалла раиси ва фуқаролар билан учрашиб, мавжуд тизим фаолияти билан танишди. Ўрганишларда филиалнинг бирламчи тиббий ёрдамни тўлиқ кўрсатиш имкони мавжуд эмаслиги аниқланди. Хусусан, диагностика ва лаборатория текширувлари йўлга қўйилмаган, “ДМЕТ” терминали ишламапти.

Амалда фақат умумий амалиёт шифокори ва гинеколог кўригидан ўттиш имкони бор, болаларни профилактика эмлаш ишлари амалга ошириляпти, холос. Натижада шифокорлар беморларни таҳлил ва тор мутахассислар кўригидан ўттиш учун Марказий поликлиникага йўланма беришга мажбур. Айти пайтда мазкур поликлиника филиалдан 10 километрдан орттиқ масофада жойлашган бўлиб, у ерга бориш учун қулай жамоат транспорти мавжуд эмас. Бу эса аҳоли, аиникса, кекса ва сурункали касалликка чалинган фуқаролар учун жиддий қийинчилик туғдирмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, “Бинокор” маҳалласида тахминан 6 минг аҳоли истиқомат қилади ва ушбу филиалга яна учта маҳалла ҳам бириктирилган.

Шунингдек, таҳлил давомида ҳозирда фаолият кўрсатаётган 72-поликлиника масаласи ҳам кўтарилди. Марказий поликлиника раҳбарияти ва бош шифокор ўринбосарининг маълум қилишича, ушбу поликлиникани бир ҳафта ичида қайта ишга тушириш режалаштирилган. Учрашувлар чоғида аҳолини қизиқтираётган саволларга атрофида жаовб берилди. Аниқланган муаммолар депутат томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бош босқармаси раҳбарияти билан муҳокама қилинди. Муаммоларни бартараф этиш мақсадида филиалда таҳлил намуналарини қабул қилишни йўлга қўйиш ва уларни кейинчалик Марказий поликлиникага етказиш, шунингдек, тор мутахассисларнинг кўчма ва навбатта-навбат қабул жадвалини ташкил этиш таклиф этилди. Масала депутат назоратига олинди.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида маҳаллий бошқарув самарадорлиги, бюджет шаффофлиги ва ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларни қамраб олган комплекс жараёнлар ичтил тарзда амалга оширилмоқда. Ана шу жараёнларнинг мантқий давоми халқ депутатлари Миробод Кенгазининг 19-сессия-

сида маҳаллий депутатлар ва **фракция аъзоси Гулрух Агзамова** иштирокидаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокамаида намоён бўлди.

Шундан кейин Гулрух Агзамова ҳамда туман кенгаши депутати А.Каримов 3-сонли Тошкент шаҳар клиник шифохонасида бўлишди. Ўрганишлар давомида шифохона кириш йўлаги, биринчи қавати ҳамда иккинчи қаватининг яри таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани, бу эса беморлар ва ташриф буюрувчилар учун яратилаётган шароитларга салбий таъсир кўрсатаётгани аниқланди. Мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда шифохона раҳбари “Ташаббусли бюджет”нинг биринчи мавсумида иштирок этишини маълум қилди.

Шу билан бирга, жараёнларда ғолиб бўлмаган, бироқ ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳалар орасидан қўшимча ғолибларни танлаш вақолати доирасида шифохонани таъмирлаш учун маблағ ажратишда амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Шу куннинг ўзида депутатлар тумандаги 213-сонли умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, бу ерда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан танишилди. Учрашувлар чоғида “Баротхўжа”, “Баёт” ва “Қўйлик ота” маҳалласи фуқаролари, нуронийлар ҳамда хотин-қизлар томонидан муҳим ижтимоий ташаббус илгари сурилди. Хусусан, мактаб ҳудудида мактабгача таълим ташкилотини барпо этиш, шунингдек, мактабга туташ

ва унинг ташқариси туман маданият бўлими ёнида мавжуд бўш ер майдонидан болалар ўйин майдончаси қуриш таклифлари билдирилди.

Очиқ мулоқот, жойида таҳлил ва аниқ таклифлар — ҳудудларда олиб борилаётган депутатлик фаолиятининг асосий мезони. Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда **фракция раҳбари ўринбосари Ойдин Абдуллаева** Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида жойлашган бир қатор маҳаллаларда аҳоли турмуши, мавжуд инфратузилма ҳолати ҳамда йиллар давомида тўпнаниб қолган муаммоларни ўрганди. Жараён чоғида “Бинокор” ва “Хўжа Учқун” маҳаллаларида қатор муаммолар аниқланди. Мисол учун, маҳалла идораларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмагани сабабли коммунал тўловларни амалга оширишда қатор қийинчиликлар юзага келмоқда.

Бу ҳолда аҳоли учун ҳам, маҳалла фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳам муайян тўсиқ бўляпти. Шунингдек, “Бинокор” маҳалласидаги нуронийлар билан мулоқот чоғида маҳалла ҳудудида жойлашган, кўп йиллик тарихга эга қабристон масаласи кўтарилди. Айтилишича, ҳозирги кунда қабристонни кенгайтиришга эҳтиёж туғилган. Бунинг учун атрофда бўш ер майдонлари мавжуд. Нуронийлар мазкур ҳудудда ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар.

“Бинокор”, “Хўжа Учқун”, “Жалоир” ва “Янги Гулзор” маҳаллалари аввал Тошкент вилояти ҳудудида қарашли бўлган. Кейинги йилларда улар Тошкент шаҳри таркибига ўтказилди. Шу давр мобайнида инфратузилмани яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, ижтимоий объектиларни реконструкция қилиш бўйича муайян ишлар бажарилди. Натижада маҳаллалар қиёфаси сезиларли даражада янгиланди. Бироқ шунга қарамастан, аҳолини ўйлантираётган ва ўз ечимини қутаётган масалалар ҳали ҳам мавжуд. Жумладан, кўча ёриткичларини ўрнатиш ишлари тўлиқ аяқланмагани фуқароларда ҳақли эътироз уйғотмоқда.

Аиникса, кечки пайтда хавфсизлик ва қулайлик масалалари бу муаммони янада долзарб қилаяпти. Бундан ташқари, “Хўжа Учқун” маҳалласида ичимлик суви таъминоти масаласи ҳал этилмагани маълум бўлди. Яқинда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, уларни босқичма-босқич бартараф этиш юзасидан келишувга эришилди.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ
тайёради



“АДОЛАТ”ЧИ ДЕПУТАТЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА ҲАМ ФАОЛ

“Адолат” СДПнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари томонидан ўтган бир йил давомида салмоқли ишлар амалга оширилди. Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш, ечим топиш ҳамда Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик мустақкамланди.

**Сарвар ЭРГАШЕВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати
Фракция аъзолари ва маҳаллий кенгаш
депутатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи**

Жумладан, ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ ўнлаб масалалар депутатлик сўрови орқали ҳал этилди. Маълумот учун, 2025 йилда маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз томонидан 2661 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 65,8 фоизи ижобий натижа берган. Тегишли масалалар юзасидан 1400 маротаба мансабдор шахслар ҳисоботи эшитилган.

Маҳаллий кенгаш сессиясига масала киритиш бўйича ҳам “Адолат”чи депутатлар пешқадам бўлди. Айниқса, ёшлар муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг истеъдоди ва қobiliятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Беруний, Богот, Шуманай, Гурлан, Қўшқўпир, Шовот, Қоровулбозор, Олот, Нурота, Қизилтепа, Конимех, Томди, Хатирчи, Ангор, Жарқўрғон, Шеробод, Касби, Китоб, Миришкор, Жомбой, Пахтачи, Қўшработ, Андижон, Жалақудж, Қўргонтепа, Улугнор, Хўжаобод, Наманган, Чортоқ,

Зомин, Оқолтин, Сайхунобод, Асака, Поп, Оққўрғон, Олмазор туманлари, Зарафшон, Когон ва Ширин шаҳар кенгашлари сессияларига 50 тадан кўпроқ масалалар киритилгани эътиборга молик.

Бундан ташқари, маҳаллий кенгашлар сессияларида ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган масалалар ҳам кенг муҳокама қилиниб, мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди ва аниқ вазифалар белгиланб берилди. Депутатлар томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, “Адолат” СДП депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг доимий комиссияларига 552 та, сессияларига эса 675 та масала киритилди. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан

масъул шахсларга аниқ топшириқлар берилди.

Партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тadbиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар ташаббуси билан партия лойиҳалари доирасида фуқароларнинг узини ўзи банд қилиши ва доимий даромад манбаига эга бўлишига шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, партия фаоллари томонидан мактабгача таълим ташкилотларида “яссиоёқлик” ва “сколиоз” касалликларини эрта аниқлаш мақсадида тиббий кўриклар ўтказилди. Ўрганиш натижалари юзасидан вилоят ва туман-шаҳар кенгаши сессияларига 32 та масала киритилди.

Жинойятчиликнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлиги ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ҳам устувор мақсадларимиздан саналади. Бу борада маҳаллий кенгаш сессияларида “Адолат” СДП депутатлари томонидан киритилган 60 та масала қўриб чиқилди.

Бундан ташқари, партия Сайловолди дастуридан ўрин олган истироҳат боғлари, сайилгоҳ ва хиёбонларни хусусийлаштиришга қарши курашиш мақсадида кенгашларга 5 та масала киритилди.

Шунингдек, камбағалликни қисқар-

тириш, бандик мавзусида 24 та, коррупцияга қарши курашиш, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш йўналишида 85 та масала сессиялар кун тартибига киритилди.

Тез тайёр бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, энергетик ичимликлар аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига жиддий хавф солиши сир эмас. Бундай маҳсулотлар мактаблар атрофида ҳамда оммавий тadbирлар ўтказиладиган жойларда сотилиши эса ташвишли ҳолдир. Бундай ҳаракатлар устидан назорат қилувчи идоралар масъулиятини кучайтириш ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш мақсадида тактифлар ишлаб чиқилди, маҳаллий кенгаш сессияларида 9 марта муҳокама қилинди.

Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия ҳудудий кенгаши раислари ҳамда ходимлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, сайловчилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида “ZOOM” платформаси орқали уч маротаба сиёсий ўқув семинари ташкил этилди. Бунда сайловчилар билан очик ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича муҳим масалалар муҳокама қилинди. Tadbirlarнинг юқори савияда ўтишида партия Сиёсий Кенгаши раиси, ўринбосарлари, Қўнғунчилик палатасидаги фракция аъзолари ҳамда Сенат вакилларининг иштироки муҳим омил бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари 2025 йилда ўз сайловолди ваздаларини рўёбга чиқариш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида фаоллик кўрсатишди. Бу эса фуқароларнинг партияга бўлган ишончи ва қўллаб-қувватлашини янада мустақкамлашга хизмат қилади.

Жомбойлик халқ ноиблари “КўКҒУМБАЗ”ДАГИ АБГОР ЙЎЛЛАРДАН ЮРДИ

Аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш ва аниқ ечим белгилаш – халқ вакилларининг асосий бурчи.

**Илҳомжон МАМАТҚУЛОВ,
халқ депутатлари Жомбой туман
Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари**

Бугун депутат фаолияти маҳаллаларга, қишлоқ йўлларига, аҳоли кундалик ҳаёти кечаётган манзилларга кўчмоқда. Шу маънода, маҳалла ва депутат ҳамкорлиги ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш сифатини яхшилашда муҳим омилга айланиб бормоқда.

Ана шу ёндашув асосида Жомбой туманидаги “Адолатчи” депутатлар ўз сайлов округларида изчил фаолият олиб боришяпти Хусусан, халқ депутатлари Жомбой туман Кенгашига 13-Кўкғумбаз сайлов округидан сайланган депутат Комила Умарова билан сайловчиларнинг навбатдаги учрашуви ўтказилди. Tadbir давомида “Кўкғумбаз”, “Парди”, “Уяс” ҳамда “Яллама” қишлоқлари аҳолиси томонидан ички йўллари таъмирлаш, йиллар давомида эскириб, хавфли ҳолатга келиб қолган симёғочларни янгилаш бўйича мурожаатлар билдирилди.

Айниқса, қишлоқ ичидаги йўллarning абгор аҳоли аҳоли учун жиддий муаммога айланиши таъкидланди. Ёгингарчиликни кунларда йўлларда ҳаракатланиш қийинлашиб, болалар

ва кексалар учун хавф туғилаётгани мисоллар билан келтирилди. Бу эса йўл инфратузилмасини босқичма-босқич яхшилаш зарурлигини кўрсатди. Шунингдек, “Яллама” қишлоғидан оқиб ўтувчи арик сувининг эфлос ҳолатга келиб қолгани, унинг маиший ифтиёҳлар ва экинлар учун яроқсиз бўлиб қолаётгани хусусида ҳам аҳоли ўз ташвишларини очик билдирди.

Аҳоли фикрича, ушбу муаммо ўз вақтида ҳал этилмаса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маҳаллани “Ғазира” ва “Сарқинчоқ” маҳаллалари билан боғловчи йўл масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълум бўлишича, ушбу йўлнинг маълум қисмида яқинда ҳомийлар кўмағида кўприк барпо этилган. Бироқ кейинчалик ичимлик суви қувурлари ўтказилиши жараёнида шағаллаштирилган йўл янада яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу эса аҳоли катновини қийинлаштириб, мавжуд муаммони янада чуқурлаштирган.

Учрашувда иштирок этган мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда барча билдирилган масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ҳар бир муаммо бўйича масъул идоралар кесимида аниқ вазифалар белгиланиб, уларни амалга ошириш муддатлари келишиб олинди. Бу эса аҳолининг мурожаатлари эътиборсиз қолмаслиги, масалалар босқичма-босқич ечим топишини англатади.



Худудлардан хабарлар

Чиқиндихона бартараф этилди



Партиямизнинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ўрганишлар жараёнида аҳолини ташвишга солаётган ҳудуд инфратузилмасига оид муаммолар, санитария ва экологик ҳолат билан боғлиқ масалалар жойига чиқиб, таҳлил қилинмоқда.

**Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
Бухоро вилояти кенгаши матбуот котиби**

Шу доирада Бухоро туманида аҳолини узоқ вақт давомида безовта қилиб келган муаммо – белгиланмаган ҳудудда ўзбошимча ташкил этилган чиқиндихона бартараф қилиниб, кенг қўламли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилди.

Тўпланиб қолган маиший чиқиндилар олиб чиқилди, атроф-муҳитнинг санитария ҳолати яхшиланди ва ҳудудда умумий тартиб ҳамда озодлик таъминланди. Амалга оширилган тadbirlar натижасида мазкур жойнинг ташқи кўриниши ўзгариб, аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилди. Ободонлаштириш ишлари якунланганидан сўнг, ҳудудда жойлашган 6-сон Маданият бўлими томонидан камералар ўрнатилиб, келгусида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинадиган бўлди.

Тунги ёритгичлар ўрнатилди

Вилоятимиз таркибидаги анклав ҳудуд саналган Сўх туманида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, маҳаллаларда хавфсиз ва қулай муҳитни шакллантириш масалалари ҳудуд масъулларининг доимий эътибор марказида турибди.

**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби**

Айниқса, чекка ҳудудларда кундалик ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган муаммоларга тезкор муносабат билдириш жойларда ижобий натижалар бермоқда. Шу қаби масалалардан бири тумандаги “Янгиариқ” маҳалласи “Заковат” кўчасида яшовчи фуқаролар томонидан кўтарилди. Мазкур кўчада тунги ёритгичларнинг мавжуд эмаслиги сабабли қоронғу пайтларда ҳаракатланиш қийинлашган, бу эса аҳоли, айниқса, ёш болали оилалар ва кексалар учун ноқулайлик туғдираётган эди.

Фуқароларнинг муаммо юзасидан қилган мурожаати “Адолат” СДП Сўх тумани кенгашига келиб тушди ва туман Кенгаши депутати Амир-рали Сафаров томонидан ўрганилди. Депутат туман ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда масалани жойига чиқиб кўриб, уни қисқа фурсатда ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олди. Натижада туман Ободонлаштириш бўлими масъуллари томонидан “Заковат” кўчасига замонавий, энергия тежамкор тунги ёритгичлар ўрнатилди. Қўчанинг тўлиқ ёритилиши қоронғу пайтларда хавфсиз ҳаракатланиш имконини яратиб, маҳаллада жамоат хавфсизлиги ва ободончилик даражасини сезиларли равишда оширди.

Амалга оширилган ишлар маҳалла аҳолиси, хусусан, нуронийлар ва фаол фуқаролар томонидан илиқ кутиб олинди. Шу нарса аниқки, депутат ва мутасадди ташкилотлар ўртасидаги ҳамжиҳатликдаги бундай ишлар маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларнинг қоғозда қолиб кетмасдан, амалий ечим топаётганини кўрсатади.

Муҳокама учун мавзу



ЭРКАК ҚИЁФАСИ ЎЗГАРЯПТИМИ?!

ёки бизнинг қарашларимиз

Бугун жамият тафаккурида тинимсиз баҳс уйғотаётган саволлардан бири – эркак қиёфаси ҳақиқатан ҳам замон билан бирга ўзгаряптими ёки биз эркаклик ҳақидаги азалий тасаввурларимизни аста-секин бой бериб, ўзимиз сезмаган ҳолда бегона қарашларга мослашиб боряпмизми?

Бахтиёр САМИЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

Атрофимизга назар ташласак – кўчаларда, ижтимоий тармоқларда, телевидение экранларида, реклама тасвирларида ташқи қиёфасига ҳаддан зиёд ургу бераётган, юзига турли косметик муолажалар қилдирган, ўз кўринишини сунъий равишда қайта шакллантираётган эркаклар тобора кўпроқ учрамоқда. Бу манзаралар беихтиёр инсонни чуқурроқ ўйлашга мажбур этади. Гўё бу манзаралар ортида эркаклик моҳияти, маънавий қадриятлар ва маданий ўзлиқ билан боғлиқ кўзга ташланмас, аммо руҳни жунбушга келтирувчи ўзгаришлар яширингандек. Балки бугун биз ташқи қиёфа кўринишда жамиятимизнинг ички ҳолатини томоша қилаётгандирмиз.

Аввало, эркак деган тушунчанинг ўзи халқимиз онгига қандай маънони муҳассам этганини эсга олиш лозим. Эркаклар азал-азалдан куч-қудрат ва масъулият рамзи, сабр-тоқат, вафо тимсоли бўлиб келган. У оиланинг суянчи, элнинг қалқони, оғир юкни сабр билан кўтаришга қодир сиймо сифатида тасаввур қилинган. Эркакнинг юзи эса унинг босиб ўтган йўлининг гувоҳи бўлган. Меҳнат ва ҳаёт синовлари, ғам-у қувончлар шу чехрада намоён бўлиб туради. Қалин қош, офтобда қорайган тери, қатъиятли нигоҳ эса эркакликнинг ажралмас, табиий аломатлари саналган. Аммо бугун бу тасаввур йўқолиб, кўзгуга маҳлиё бўлиб, қош чизиги, лаб ҳажми ва тери рангидан ташвишга тушаётган эркак қиёфаси тобора кўпроқ учрамоқда.

Албатта, ташқи кўринишга эътибор бериш ёмон эмас. Тозалик, озодаллик, поклик, ўзига қараш инсоннинг ўзига бўлган ҳурматидир. Аммо қачондан бошлаб ойнага қараш эркакликнинг асл сиймосини хиралаштири бoшладими? Қачондан эркак ўз қудратини

билагигадаги кучдан эмас, юзидаги чиққлардан, қошининг шаклидан, лабиниинг шиширилганидан ва сунъий жиолардан тикидирадиган бўлди? Бу саволлар шунчаки савол эмас, улар жамиятнинг ички тарозиси қайси томонга оғаётганини кўрсатиб турибди.

Бугун глобаллашув шамоли инсон онгига шиддат билан кириб келмоқда, қадриятларимиз эшигини эса тақиллатиб эмас, балки “тепиб” очмоқда. Ижтимоий тармоқлар, хорижий шоу-бизнес ва реклама индустрияси бир овоздан ягона “гўзаллик мезон”ни тарғиб этмоқда. Афсуски, бу мезонлар кўп ҳолларда бизнинг миллий тафаккуримизга, асрлар давомида шаклланган маънавий ва тарихий қадриятларимизга мутлақо ёт. Эркак ва аёл ўртасидаги табиий чегара атайлаб хиралаштирилмоқда, фитратдан берилган фарқлар сунъий равишда йўққа чиқарилмоқда. Натижада эркак ўз табиатидан бегоналашиб, аёлга хос нозиклик ва сунъий жозибани ўз қиёфасига синдиришга уринмоқда. Бу жараён эса секин-аста, кўзга ташланмас тарзда жамиятнинг маънавий устунларини емира бошлайди.

Энди тарихга боқайлик. Буюк аждодларимиз улуғ олим Абу Райҳон Беруний, математика фанининг асосчиси Ал-Хоразмий, тиббиёт олами султони Ибн Сино, енгилмас саркарда Соҳибқирон Амир Темури, буюк астроном Мирзо Улуғбек, ислом дини аломилари Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Ясавий, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улуғ боболаримизнинг сиймоларини кўз ўнгимизга келтирайлик. Уларнинг қиёфасида сунъий жило бормиди? Асло. Уларнинг чехрасида қатъият муҳрланган, нигоҳида эса жа-

сorat балқиб туради. Улар учун ташқи безак эмас, ички қудрат – ақл, ирода ва масъулият ҳал қилувчи мезон эди. Эркакнинг ҳақиқий безаги сўзининг ўткирлиги, билими, амали ва эътиқодининг мустаҳкамлигида намоён бўлади.

МАСАЛАНИНГ ЭНГ ХАВФЛИ ТОМОНИ ШУНДАКИ, БУНДАЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОД ОНГИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА. ЎСМИР ЙИГИТЛАР ЭНДИ ЭРКАКЛИКНИ ҲАҚИҚИЙ МЕҲНАТ, МАСЪУЛИЯТ, САБР-ТОҚАТ БИЛАН ЎЛЧАМАСДАН УНИ ТАШҚИ КЎРИНИШ, ҚОШ ЧИЗИҒИ ЁКИ “ТРЕНД”ГА МОС КЕЛИШ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШГА ЎРГАНМОҚДА.

Шу ўринда ўғил болаларни эркак сифатида тарбиялашда оилавий тарбия муҳимлигини таъкидлаш лозим. Оилавий тарбия асрлар давомида шаклланган, тажриба ва синовлардан ўтган ҳаёт мактабидир. Бу мактаб ўз ўрнида эркак болага, аввало, ўзини эмас, балки эркаклик масъулиятини ўйлашни, қийинчиликлар олдида синмай туришни, қалбида жасорат ва ирода мустаҳкамлигини қадрлашни ўргатган. Бундай тарбия орқали уларнинг қалбида шахсий манфаат эмас, балки жамият, оила ва Ватаннинг манфаатлари устун бўлган. Ҳақиқатан ҳам, эркакни шакллантиришнинг моҳияти шундай фундаментал, ҳаётий масаладирки, унинг аҳамияти нафақат оила билан, балки бутун жамиятнинг келажаги билан боғлиқ.

Шу ўринда “бу шахсий танлов” деган эътирозлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳа, ҳар бир инсон ўз танасига ва ўз кўринишига эғалик қилишга ҳақли, албатта. Аммо унутмаслик кераки, шахсий танлов ҳам жамият контекстидан узилиб яшай олмайди. Айниқса, бу танлов оммавий тус олиб, маданий меъёрлар ва одатларни шакллантира бошласа, у энди фақат шахсий масала бўлиб қолмайди. Жамият ўз қиёфасини, руҳий ва маънавий идентификациясини йўқотмаслиги учун баъзи чегараларни белгилаши, қадриятларини химоя қилиши шарт. Чунки чекловлар эркинликни менсимаслик, ян-

Саволни бошқача қўйиш ҳам мумкин: “Эркак қиёфаси ўзгаряптими ёки биз эркакликни унутаяпмизми?” Балки муаммо ташқи кўринишда эмас, балки ички бўшлиқдадир. Агар эркак ўзини ичдан кучли ҳис қилса, у сунъийликка муҳтож бўлмайди.

чиш ёки эътиборсиз қолдириш эмас, балки унинг барқарорлигини таъминлаш, ўқитиш ва йўналтириш воситасидир. Шахсий танлов билан жамиятнинг ички мувозанати ўртасидаги нозик пойдевор бузилса, ёшлик ва келажак авлоднинг онгига зарар етиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир маданий чегаранинг ўзи жамиятнинг ҳаётий ва руҳий мустаҳкамлигига хизмат қилади.

Умуман олганда, саволни бошқача қўйиш ҳам мумкин: “Эркак қиёфаси ўзгаряптими ёки биз эркакликни унутаяпмизми?” Балки муаммо ташқи кўринишда эмас, балки ички бўшлиқдадир. Агар эркак ўзини ичдан кучли ҳис қилса, у сунъийликка интилмайди. Агар жамият ўз буюк бобокалонлари меросига таяниб яшаса, бегона ёт ғояларга эргашмайди. Шунинг учун ҳам бу масала енгил табассум билан қараладиган ёки “замонга мослашиш” деб эътиборсиз қолдириб кетадиган оддий масала эмас. Бутун миллатнинг эртанги куни, унинг руҳий ва маънавий барқарорлигига таъсир қилувчи улкан муаммодир. Бугунги куннинг тезкор ва шовқинли дунёсида миллатимизга ёт сунъий ва вақтинчалик одатлардан воз кечишни орқага кетиш деб тушуниш хато бўлади. Аксинча, бу ўзлимизга қайтиш, тарихий илдиэларимизга, миллий қадриятларимизга, руҳий мустаҳкам-лигимизга қайтишдир. Эркакнинг кучи қалбида, ирода ва масъулиятида бўлса, жамият ҳам баркамол ва барқарор бўлади.

Сунъий интеллект улкан ҳажмдаги маълумотларни инсон ҳеч қачон уddaлай олмайдиган тезликда аниқ таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имкониятига эга. Шу туфайли сунъий интеллект кўплаб соҳаларда бебаҳо воситага айланди, чунки у мураккаб вазифаларни тезда ҳал қилишга қодир бўлиб, унумдорлик ва самарадорликни оширади. Бугунги кунда сунъий интеллект тизимлари саноат ишлаб чиқариши, илмий тадқиқотлар, тилшунослик, санъат, тиббиёт, таълим, молиялаштириш ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда.

ОКМКга сунъий интеллект



Жумладан, йирик саноат корхонаси бўлган Олмалик кон-металлургия комбинати фаолиятида ҳам сунъий интеллект (СИ) технологияларини кенг татбиқ этиш мақсадида Сунъий интеллектни жорий этиш ва ривожлантириш бўлими ташкил этилди.

Хусусан, комбинатда сунъий интеллектни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича 2026-2030 йилларга мўлжалланган Консенсия ишлаб чиқилди. Унинг асосий мақсади сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқариш занжирининг барча босқичида қўллаш орқали глобал рақобатбардошликни таъминлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш учун комбинатни интеллектуал корхонага айлантиришдан иборат.

Ушбу босқичда сунъий интеллектни жорий этишнинг асосий йўналишлари технологик жараёнлар (тоғ-кон, бойитиш, металлургия, ташиш), саноат хавфсизлиги ва экология (маҳсус химоя воситаларининг видео таҳлили, чиқинди омборлари ва атроф-муҳит мониторинги), корпоратив бошқарув (рақамли ёрдамчилар, харидлар ва омборларни бошқариш, ХР-таҳлил) сифатида белгиланди.

Биринчи босқичда, жорий йилда маълумотларни қайта ишлаш марказини куриш, сунъий интеллект лабораториясини ташкил этиш, жамоани шакллантириш, майдалаш ва флотация жараёналарига таъсир кўрсатадиган тез иқтисодий самарадорликка эга бўлган тажриба лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, саноат хавфсизлигини таъминлаш ва жараҳатларни камайтириш учун компьютер кўриш тизимларини жорий этиш, ходимларнинг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича кенг қўламли дастурлар ва рационализаторлик таклифларини ййғиш механизмларини ишга тушириш режалаштирилган.

Иккинчи босқичда (2027-2028 йиллар) муваффақиятли тажриба-синов лойиҳалари бойитиш фабрикалари, Мис эришти заводининг барча технологик занжирларига жорий этилади. Кимёвий таҳлил маълумотларини тўлиқ рақамлаштириш ва уларни машинали ўқитиш моделларига интеграция қилиш учун ягона лаборатория ахборот тизимини (ЛИМС), муҳим кон ва технологик ускуналарда башоратли диагностика тизимларини жорий этиш кўзда тутилган.

Учинчи босқичда эса (2029-2030 йиллар) комплекс автоном тизимлар, бутун комбинатни башоратли бошқариш, маълумотларнинг тўлиқ интеграциясини ўз ичига олган экотизим яратилади.

Консенсияни амалга оширишнинг стратегик мақсади комбинат ишлаб чиқариш активларини “Интеллектуал ишлаб чиқариш” экотизимига трансформация қилишдан иборат. Унга эришиш ишлаб чиқариш занжирининг асосий тармоқларига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали таъминланади: геологик қидирув ва маъданни қазиб олишдан тортиб, бойитиш ва тайёр металлургия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қамраб олинади.

Шундай қилиб, ОКМКда сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш орқали 2030 йилга бориб операцион харажатларни камида 10-15%га, видео-таҳлил ва башоратли диагностика тизимлари орқали ишлаб чиқариш жараҳатлари ва бахтсиз ҳодисалар даражасини камайтириш, сунъий интеллект маслаҳатчилари орқали бойитиш фабрикаларида фойдали компонентларни ажратиб олишни ошириш, ўз инфратузилмаси ва корпоратив билимлар базасини яратиш режалаштирилди.

ОКМК Ахборот хизмати

Тафаккур

ЭЙ, ИНСОН БОЛАСИ!

Хазинани топишинг мумкин, аммо умрни тополмайсан.
Сен ҳаракат қилиб “ўзинг”ни, ўзингдаги яширин хазинани топ!
Ўзингни топ! Топгин-у фақат эҳтиёт бўл, яна ўзингни ўғирлатиб қўйма!
Ҳақ йўлида очкўз бир ўғри (шайтон) тузук қурган, сени кутмоқда.
Бу ўғридан эҳтиёт бўл, яна ўзингни ўғирлатиб қўйма!
Жонингда бир жон бор, сен уни қидириб топ!
Бадан тоғидаги яширин жавоҳирларни излаб топ!
Эй, юриб бораётган дўст!
Бор кучинг билан қидир, фақат ташқарида эмас.
Қидираётган нарсангни ичингдан қидир!

Мавлоно РУМИЙ

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Бахром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамом Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиқов

ISSN 2091-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 201

Адади – 2 755
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келтирилган нархда

Тахририятга келган қўлхазмлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тоғи” кўчаси, 23-уй.